



ARTICLE INFO

Received: 24th March 2026

Accepted: 29th March 2026

Online: 30th March 2026

KEYWORDS

Cybersecurity, cyberspace, cyber threat, cyber protection, cybersecurity subject, critical information infrastructure, legal nature, information security, state interest, public security, individual rights, legal mechanism.

**THE LEGAL NATURE OF ENSURING CYBERSECURITY:
ISSUES OF PROTECTING THE INTERESTS OF THE
INDIVIDUAL, SOCIETY, AND THE STATE**

Saidov Bakhodirkhuja Nosirkhujayevich

bahodirxujasaidov@gmail.com

Independent Researcher of the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19330834>

ABSTRACT

This article provides a comprehensive analysis of the legal nature of ensuring cybersecurity based on the Law of the Republic of Uzbekistan "On Cybersecurity". The study examines the concept of cybersecurity, its characteristics as a legal institution, and the legal mechanisms aimed at protecting the interests of individuals, society, and the state in cyberspace. In addition, the article analyzes the principles in the field of cybersecurity, the subjects involved, the legal status of the authorized state body, the classification of cybersecurity objects, and the legal foundations for protecting critical information infrastructure. Particular attention is also given to the interrelation of legal, organizational, and technical measures in ensuring cybersecurity. The article highlights the differences between cybersecurity and traditional information security and substantiates its legal nature as an independent comprehensive legal institution aimed at ensuring the security of individuals, society, and the state.

**КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ:
ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Саидов Баходирхўжа Носирхўжаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

bahodirxujasaidov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19330834>

ARTICLE INFO

Received: 24th March 2026

Accepted: 29th March 2026

Online: 30th March 2026

ABSTRACT

Мазкур мақолада киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати Ўзбекистон Республикасининг "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонуни асосида комплекс тарзда таҳлил этилади. Тадқиқотда киберхавфсизлик тушунчасининг мазмуни, унинг ҳуқуқий институт сифатидаги хусусиятлари, кибермаконда шахс, жамият ва



KEYWORDS

Киберхавфсизлик,
кибермакон,
кибертаҳдид,
киберҳимоя,
киберхавфсизлик
субъекти, муҳим ахборот
инфратузилмаси,
хуқуқий табиат, ахборот
хавфсизлиги, давлат
манфаати, жамият
хавфсизлиги, шахс
хуқуқлари, хуқуқий
механизм.

Современный Киберхавфсизлик соҳасидаги қонунчилик бутун дунё бўйлаб кибермаконда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган янги таҳдидларга, янги рақамли технологиялар қўлланилиши билан боғлиқ ҳодисалар натижасида етказилаётган зарар миқдорининг ортиб бораётганига, шунингдек бу соҳада давлат ва жамият, истеъмолчилар, инвесторлар ҳамда компаниялар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат регуляторлари ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг кучайишига жавобан мунтазам такомиллаштириб борилмоқда¹.

Интернетдаги ресурслар, булутли технологиялар, бошқа кўплаб инқилобий инновациялар ва

давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий механизмлар ёритиб берилади. Шунингдек, киберхавфсизлик соҳасидаги принциплар, субъектлар, ваколатли давлат органининг мақоми, киберхавфсизлик объектларининг таснифи, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари ҳамда хуқуқий, ташкилий ва техник чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади. Мақолада киберхавфсизликнинг анъанавий ахборот хавфсизлигидан фарқ қилувчи жиҳатлари очиб берилиб, унинг шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мустақил комплекс хуқуқий институт сифатидаги табиати асосланади.

рақамли технологияларнинг жадал ўсиши ахборот пуллари, ҳатто бутун виртуал оламлар шаклидаги виртуал воқеликни яратмоқда, бу эса янги хавфлар ва янги таҳдидларни юзага келтирмоқда².

Инсониятнинг технологияларга тобора ортиб бораётган қарамлиги ва заифлиги, шунингдек уларнинг доимий ривожланиши бизнинг кибертаҳдидларга мойиллигимизни сезиларли даражада оширди. Бу ҳолат тобора кенгайиб бормоқда, киберхужумлар сони ва уларнинг тезлиги эса муттасил ошиб бормоқда³.

Шу шароитда киберхавфсизликни таъминлаш оддий техник масала сифатида эмас, балки шахс, жамият ва давлат

¹Карцхия А.А., Макаренко Г.И. Правовые аспекты современной кибербезопасности и противодействия

киберпреступности. Вопросы кибербезопасности. 2022. № 1(53)

<https://cyberrus.info/wp-content>

²Бочков С.И., Макаренко Г.И., Федичев А.В. Об окинавской хартии глобального

информационного общества и задачах развития российских систем коммуникации // Правовая информатика. 2018. № 1. С. 4-14. DOI: 10.21681/1994-1404-2018-1-4-14

³Карцхия А.А. Кибербезопасность в условиях новой технологической революции и опыт стран БРИКС // Пробелы в российском законодательстве. 2021. Т. 14. № 4. С. 358-365



манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий вазифа сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни⁴ айнан ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган махсус қонун сифатида миллий ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур қонун киберхавфсизликни кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида белгилайди. Ушбу таърифнинг ўзиёқ киберхавфсизликнинг ҳуқуқий табиатида учта фундаментал йўналиш — инсон марказийлиги, ижтимоий барқарорлик ва давлат суверенитети — уйғунлашганини кўрсатади. Демак, киберхавфсизликни таҳлил қилишда уни фақат ахборот ресурслари муҳофазаси эмас, балки ҳуқуқий манфаатлар муҳофазасининг янги, комплекс ва кўп қатламли шакли сифатида ўрганиш лозим.

Шу боисдан киберхавфсизлик тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни ва унинг институционал аҳамиятини таҳлил этиш лозим саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси⁵да киберхавфсизликка берилган таъриф

унинг ҳуқуқий мазмунини белгилашда асосий методологик нуқта бўлиб хизмат қилади. Қонунга кўра, киберхавфсизлик — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати. Мазкур таърифдан келиб чиқиб, киберхавфсизликнинг ҳуқуқий мазмунини қуйидаги элементлар орқали очиш мумкин.

Биринчидан, киберхавфсизликнинг амал қилиш муҳити — кибермакондир. Қонун кибермаконни ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит сифатида белгилайди. Демак, киберхавфсизликнинг ҳуқуқий табиати анъанавий жисмоний ҳудудий ҳимоя моделидан фарқли равишда виртуал муҳитдаги муносабатларни қамраб олади.

Иккинчидан, киберхавфсизлик муҳофазасининг объекти муайян техника ёки дастур эмас, балки манфаатлардир. Қонун марказга ахборот тизимини эмас, балки шахс, жамият ва давлат манфаатларини қўяди. Бу жуда муҳим. Чунки ҳуқуқий муҳофаза доимо нарсанинг ўзига эмас, балки у билан боғлиқ ҳуқуқий қийматларга қаратилган бўлади.

Учинчидан, киберхавфсизлик статик эмас, функционал категориядир. У “ҳимояланганлик ҳолати” сифатида таърифланиши, унинг доимий тарзда таъминланиши,

⁴Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-779-сон Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0313-сон)

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-779-сон Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0313-сон)



мониторинг қилиниши, баҳоланиши ва тикланиши лозим бўлган динамик тизим эканини англатади.

Тўртинчидан, киберхавфсизлик ташқи ва ички таҳдидларга қарши қаратилган. Демак, ҳуқуқий тартибга солиш манбаи фақат ташқи киберхужумлар эмас, балки ички заифликлар, ташкилий камчиликлар, сертификатланмаган дастурий воситалардан фойдаланиш, кадрлар малакасининг етарли эмаслиги каби омилларни ҳам қамраб олади⁶.

Шундай қилиб, киберхавфсизликнинг ҳуқуқий мазмуни ахборот тизимларининг техник муҳофазаси билан чекланмайди. У манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий режим ўрнатиш, ваколатлар белгилаш, мажбурият юклаш, мониторинг, баҳолаш, экспертиза, аттестация ва жавобгарлик механизмларини ўз ичига олган комплекс ҳуқуқий институтдир.

Таъкидлаш лозимки, киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати яъни комплекс ва тармоқлараро ёндашув мавжудлиги кўриш мумкин. Киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиатини тўғри англаш учун унинг тармоқлараро хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Мазкур институт бир вақтнинг ўзида конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, ахборот ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят

ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ элементларини ўзида мужассамлаштиради.

Конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан, киберхавфсизлик инсон ҳуқуқлари, ахборот олиш эркинлиги, хусусий ҳаёт дахлсизлиги, давлат суверенитети ва миллий хавфсизлик билан боғлиқ. Шу боис қонун кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлигини асосий принцип сифатида белгилайди.

Маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назардан, киберхавфсизлик соҳасида ваколатли давлат органи — Давлат хавфсизлик хизматининг ваколатлари, назорат функциялари, мониторинг, текшириш, кўрсатмалар бериш, реестр юритиш каби масалалар маъмурий тартибга солиш предметиға киради.

Жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан, кибержиноятчилик, киберхужум, ахборотни қонунга хилоф эгаллаш, ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот ресурсларини ишдан чиқариш жиной-ҳуқуқий муҳофазанинг алоҳида соҳасини ташкил қилади⁷.

Фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан эса, киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари, ресурслари, электрон хизматлар, маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари, зарарни қоплаш, аутсорсинг хизматларидан

⁶Авдеев В.А., Авдеева О.А. Основные направления совершенствования правовой политики по обеспечению в условиях глобализации информационной безопасности // Российская юстиция. 2021. N 3. С. 3-10

⁷Карцхия А.А., Макаренко Г.И., Сергин М.Ю. Современные тренды киберугроз и трансформация понятия кибербезопасности в условиях цифровизации системы права // Вопросы кибербезопасности. 2019. № 3 (31). С. 18-23. DOI: 10.21681/2311-3456-2019-3-16-23



фойдаланиш, сертификатланган воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар аҳамият касб этади.

Демак, киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати — тармоқлараро, кўп босқичли ва комплекс ҳуқуқий табиатдир. Уни фақат битта ҳуқуқ соҳаси доирасида тушунтириш етарли эмас. Бу институт, аввало, умумий ҳуқуқий манфаатлар муҳофазасига қаратилган махсус комплекс режим ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, киберхавфсизликнинг принциплари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти мавжуд бўлиб, ушбу принципларни таҳлил этиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси⁸ киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принципларини белгилайди. Ушбу принциплар киберхавфсизлик соҳасидаги барча ҳуқуқий механизмларнинг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Қонунийлик принципи: Қонунийлик принципи киберхавфсизлик соҳасида Конституция, мазкур Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига оғишмай риоя этишни англатади. Бу принцип киберхавфсизликни таъминлашда “мақсад воситани оқлайди” деган ёндашувга йўл қўймасликка хизмат қилади. Яъни кибертаҳдидларга қарши курашиш баҳонасида шахс

ҳуқуқларини асосиз чеклаш мумкин эмас.

Шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги: Бу принцип киберхавфсизликнинг марказида манфаатлар муҳофазаси турганини кўрсатади. Бу ерда шахс биринчи ўринда тилга олингани ҳам назарий жиҳатдан муҳим. Демак, киберхавфсизлик давлат марказлашуви эмас, балки инсон, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатли муҳофазасига қаратилган.

Ягона ёндашув принципи: Киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув принципи ҳуқуқий, маъмурий ва техник чораларни пароканда эмас, балки интеграциялашган давлат сиёсати асосида амалга оширишни англатади. Бу принцип ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилишнинг ягона давлат тизими жорий этилиши билан таъминланади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокисининг устуворлиги: Ушбу принцип киберхавфсизликни таъминлашда технологик суверенитетни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун керакли товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга устуворлик берилиши ташқи

⁸Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-779-сон Қонуни. (Қонунчилик

маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0313-сон)



технологик қарамликни камайтиришга хизмат қилади.

Халқаро ҳамкорлик учун очиқлик: Кибертахдидлар трансчегаравий хусусиятга эга бўлгани учун киберхавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорлик зарур. Бу принцип миллий киберхавфсизлик модели ташқи ҳамкорликдан ажралган эмаслигини, аксинча, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик билан бойитилишини англатади.

Таъкидлаш лозимки, киберхавфсизликда шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмини ҳам таҳлил этиш лозим. Қонун таърифида шахс манфаатларининг биринчи ўринда келтирилиши бежиз эмас. Кибермаконда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таҳдид солувчи омиллар тобора кўпаймоқда. Шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқатилиши, идентификация ахборотининг ўғирланиши, электрон фирибгарлик, ахборот тизимларига рухсатсиз кириш, рақамли шантаж ва бошқа ҳолатлар бевосита шахс ҳуқуқларига зарар етказиши. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида ваколатли давлат органининг ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши алоҳида ваколат сифатида белгиланган. Бу норманинг ўзи киберхавфсизликни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизми сифатида ҳам кўриш мумкинлигини англатади. Шунингдек, 16-моддага мувофиқ

киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг олдини олишга мажбур. Бу мажбуриятлар фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ манфаатларини муҳофаза қилишнинг амалий ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Демак, шахс манфаатларини ҳимоя қилиш киберхавфсизлик соҳасининг кўшимча эмас, балки марказий йўналишларидан биридир.

Жамият манфаатларини ҳимоя қилишда киберхавфсизликнинг ўрнини қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:

Жамият манфаатлари тушунчаси ҳуқуқий маънода ижтимоий барқарорлик, ахборот муҳитининг ишончлилиги, жамоат тартиби, иқтисодий муносабатлар узлуксизлиги, оммавий хизматлар кўрсатиш самарадорлиги ва аҳоли ҳаёти учун муҳим тизимларнинг хавфсизлигини қамраб олади.

Киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳодисалар жамият манфаатларига бир неча йўналишда таъсир қилади. Масалан, банк-молия тизимидаги киберҳодисалар аҳолининг молиявий ишончига путур етказиши мумкин. Транспорт ёки коммунал хизматлар соҳасидаги киберхужумлар жамоат тартиби ва аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатади. Соғлиқни сақлаш тизимидаги киберхавфсизлик



бузилиши эса жамият саломатлигига хавф туғдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилайди. Унда мазкур объектларнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий ва техник жиҳатдан ҳимоя қилинишини тартибга солиш бўйича ягона чоратadbирлар мажмуини яратиш, уларда киберхавфсизликка доир талабларни белгилаш ва самарали таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган. Бу нормалардан кўриниб турибдики, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш киберхавфсизликнинг ўзига хос “ижтимоий функцияси”ни ташкил этади.

Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш киберхавфсизликнинг оммавий-ҳуқуқий қирраси ҳисобланади. Киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилишда унинг давлат манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган оммавий-ҳуқуқий қирраси алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ахборот суверенитети, миллий хавфсизлик, мудофаа, ҳуқуқ-тартибот, давлат бошқаруви тизимларининг барқарор фаолияти ва муҳим ахборот инфратузилмасини муҳофаза қилиш давлат манфаатларининг асосий таркибий қисмларидир. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, киберхавфсизлик

соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 11-модда эса Давлат хавфсизлик хизмати ваколатли давлат органи эканини мустаҳкамлайди. Ушбу органга берилган кенг ваколатлар — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, назорат, мониторинг, текшириш, реестр юритиш, аттестация тартибини белгилаш, киберхавфсизлик ҳодисаларини текшириш ва халқаро ҳамкорликни амалга ошириш — киберхавфсизликнинг давлат бошқарувиغا хос институционал моделини кўрсатади. Бу ерда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш фақат репрессив чоралар орқали эмас, балки тизимли бошқарув, стандартлаштириш, сертификация, аттестация, баҳолаш ва профилактика орқали таъминланади. Демак, киберхавфсизликнинг оммавий-ҳуқуқий қирраси жуда кучли бўлиб, у миллий хавфсизлик институтининг замонавий таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Киберхавфсизлик субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми борасида Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунда қуйидаги нормаларни кузатиш мумкин. Мазкур Қонунда киберхавфсизлик субъекти деб миллий ахборот ресурсларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, электрон ахборот хизматлари кўрсатиш, ахборотни ҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ



муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган юридик шахс ва ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар тушунилади.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, киберхавфсизлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми икки томонлама характерга эга.

Биринчидан, улар муайян ҳуқуқларга эга: ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, заифликлар, ҳимоя воситалари ва усуллари ҳақида маълумот ва маслаҳатлар олиш, ўз киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Иккинчидан, уларнинг мажбуриятлари ҳам кенг: ахборот тизимлари ва ресурсларида қонунга хилоф аралашувнинг олдини олиш, киберхавфсизлик ҳодисалари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиш, рақамли изларни сақлаш, мониторинг бўйича ахборот алмашиш, белгиланган талабларга риоя қилиш ва мониторинг тизимларига кириш ҳуқуқини таъминлаш. Шу жиҳатдан, киберхавфсизлик субъектлари ҳуқуқий муносабатларда фаол иштирок этувчи, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича позитив мажбурият ташувчи субъектлар ҳисобланади. Улар фақат назорат объекти эмас, балки миллий киберхавфсизлик тизимининг бевосита функционал элементидир⁹.

Муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини муҳофаза қилиш —

киберхавфсизликнинг махсус ҳуқуқий режими: Ўзбекистон

Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун муҳим ахборот инфратузилмасини муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурслари мажмуи сифатида белгилайди. Бунга давлат бошқаруви, муҳофаза, ҳуқуқ-тартибот, энергетика, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, банк-молия, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа ҳаётий муҳим соҳалар кириди.

Бу объектларни муҳофаза қилиш киберхавфсизликнинг махсус ҳуқуқий режимига эга қисмини ташкил этади. Бунинг ҳуқуқий ифодаси қуйидаги институтларда намоён бўлади:

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаштириш;

уларнинг ягона реестрини юритиш;

махсус мониторинг тизимларини ўрнатиш;

ваколатли давлат органининг кўрсатмаларини мажбурий бажариш;

масъул ходимларни аттестациядан ўтказиш;

киберхавфсизлик талабларини бажариш бўйича қўшимча ҳуқуқий режим ўрнатиш.

Бу махсус режим киберхавфсизликнинг “дифференциаллашган ҳимоя” моделига асосланганини кўрсатади. Яъни барча ахборот тизимлари бир

⁹ Турдиев У.Р. Киберхавфсизлик муаммоси: рақамлар, рейтинглар ва янги ғоялар. Фалсафа ва ҳуқуқ *philosophy&law journal* 2023/2



хил режимда эмас, балки уларнинг ижтимоий ва стратегик аҳамиятига қараб муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун киберҳимояни киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга, улардан ҳимоя қилишга, оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ва ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончлилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий ва муҳандислик-техник чора-тадбирлар мажмуи сифатида белгилайди.

Бу таъриф киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиатида муҳим бир хулосани беради: киберхавфсизлик фақат ҳуқуқий тартибга солиш ёки фақат техник ҳимоя билан таъминланмайди. У ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий чоралар — қонунлар, стандартлар, сертификатлаштириш, аттестация, экспертиза, жавобгарлик ва мажбурий кўрсатмалар.

Ташкилий чоралар — мониторинг, реестр юритиш, ваколатли орган фаолияти, ишчи органлар ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш, ахборот алмашуви¹⁰.

Техник чоралар — сертификатланган аппарат, аппарат-дастурий

ва дастурий воситалардан фойдаланиш, захира нусхалар яратиш, мониторинг тизимлари, заифликларни бартараф этиш, зарарли дастурларни йўқ қилиш ва тизимларни тиклаш. Шу боис киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати комплекс, интеграциялашган ва функционал характерга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини белгилайди. Бу норма диспозиция жиҳатидан умумий бўлса-да, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг принципиал аҳамиятга эга элементи ҳисобланади.

Киберхавфсизлик соҳасида жавобгарликнинг қуйидаги шакллари назарда тутилиши мумкин:

- маъмурий жавобгарлик;
- жиноий жавобгарлик;
- интизомий жавобгарлик;
- фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.

Жавобгарлик механизми киберхавфсизлик соҳасидаги нормаларнинг декларатив эмас, балки мажбурий эканини кўрсатади. Айниқса, ваколатли давлат органининг қонуний талабларини бажариш мажбурий деб белгилангани киберхавфсизлик соҳасидаги ҳуқуқий

¹⁰Бобоқулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари.— Тошкент: 2011. — Б. 83



муносабатларнинг императив хусусиятини кучайтиради.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги илмий хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати ахборот тизимлари ва ресурсларининг техник муҳофазасидан анча кенг бўлиб, у кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Иккинчидан, мазкур институт тармоқлараро хусусиятга эга бўлиб, конституциявий, маъмурий, ахборот, фуқаролик, жиноят ва халқаро ҳуқуқ элементларини ўзида мужассамлаштиради.

Учинчидан, киберхавфсизликнинг марказида ахборотнинг ўзи эмас, балки у билан боғлиқ ҳуқуқий қийматлар — шахс ҳуқуқлари, жамият барқарорлиги ва давлат хавфсизлиги туради. Шу жиҳатдан, киберхавфсизлик манфаатлар муҳофазасининг ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлади.

Тўртинчидан, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун киберхавфсизлик соҳасида ҳуқуқий режимни аниқ белгилаб берган: принциплар, субъектлар, ваколатли орган, объектлар таснифи, сертификатлаштириш, аттестация, экспертиза, мониторинг, баҳолаш ва жавобгарлик институтлари ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантирилган.

Бешинчидан, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари киберхавфсизликнинг мазмуний ўзагини ташкил қилади.

Демак, киберхавфсизликни таъминлашнинг давлатнинг ахборот соҳасидаги техник функцияси эмас, балки замонавий ҳуқуқий давлатнинг умумий хавфсизлик, ҳуқуқ ва манфаатлар муҳофазасига қаратилган стратегик ҳуқуқий вазифаси сифатида баҳолаш лозим.

Шундай қилиб, киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати — бу кибермаконда ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш, шахс ҳуқуқлари, жамият барқарорлиги ва давлат манфаатларини ташқи ва ички кибертаҳдидлардан муҳофаза қилишга қаратилган, ҳуқуқий, ташкилий ва техник чоратадбирларнинг бирлигига асосланган мустақил комплекс ҳуқуқий институтдир.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунида киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларнинг ташкилий, ваколатли, техник ва профилактик асослари етарлича мустақамланган бўлса-да, киберхавфсизлик талабларини бузиш натижасида шахслар, ташкилотлар ёки давлат манфаатларига етказилган мулкӣ зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий механизми аниқ ва тизимли шаклда очиқ берилмаган. Айниқса, ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз кириш, маълумотларни ўғирлаш, блоклаш, қалбакилаштириш, тизимни ишдан чиқариш ёки ахборотнинг яхлитлигини бузиш оқибатида келиб чиққан зарар бўйича цивилистик жавобгарлик асослари, шартлари ва



ҳажмини махсус нормалар билан аниқлаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан, киберхавфсизлик соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги илмий таклифни илгари суриш мумкин:

Киберхавфсизлик субъектлари, муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари, ахборот тизимлари эгалари ва электрон ахборот хизматлари кўрсатувчиларнинг киберхавфсизлик талабларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида фуқароларга, юридик шахсларга ёки давлатга зарар етказилган тақдирда, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини алоҳида нормада белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бу ерда жавобгарликнинг ҳуқуқий асоси сифатида қуйидаги ҳолатлар назарда тутилиши лозим:

- киберхавфсизлик талабларига риоя этмаслик;
- сертификатланмаган дастурий ёки аппарат воситалардан фойдаланиш;
- маълумотларнинг захира нусхаларини сақламаслик;
- киберхавфсизлик ҳодисаси ҳақида ваколатли органни ўз вақтида хабардор қилмаслик;
- ахборот тизимини тиклаш чораларини кўрмаслик;
- маълумотларнинг қонунга хилоф тарқалиши, ўғирланиши, блоккланиши

ёки қалбакилаштирилишига йўл қўйиш.

Бу таклифнинг назарий асоси шундан иборатки, киберхавфсизлик соҳасидаги бузилишлар фақат маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида эмас, балки мулкӣ муносабатларга ҳам бевосита таъсир этувчи фуқаролик-ҳуқуқий деликт сифатида баҳоланиши лозим. Чунки киберҳодиса натижасида:

- фуқароларнинг молиявий маблағлари йўқотилиши мумкин;
- тадбиркорлик субъектининг тижорат сирлари ошкор бўлиши мумкин;
- ахборот тизимининг ишдан чиқиши натижасида шартномавий мажбуриятлар бажарилмай қолиши мумкин;
- маълумотлар йўқ қилиниши натижасида тиклаш харажатлари келиб чиқиши мумкин;
- шахсий маълумотларнинг тарқалиши натижасида маънавий зарар ҳам юзага келиши мумкин.

Шу сабабли, киберхавфсизлик соҳасида жавобгарликни фақат оммавий-ҳуқуқий санкциялар билан чеклаш етарли эмас. Бу ерда зарарни қоплаш, бой берилган фойдани ундириш, маънавий зарарни қоплаш ва шартномавий жавобгарлик масалаларини ҳам фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан аниқ белгилаш талаб этилади.